

# «ЎЗБЕК ЭЛДОРАДОСИ»НИНГ ДОВРУҒИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

"Ҳаракат, ҳаракатда — баракат!" дейдилар. Эзгу ният йўлидаги саъю жадаллар зое кетмади, ўз самарасини берди. Комбинат билан "Спектро", "Нукем", Бриджтоун", "Шелл", "Катерпиллер", "Лопро" сингари оламга машҳур фирмалар ўртасида мустаҳкам амалий алоқалар ўрнатилди. Шу асно, айниқса, 3-гидрометаллургия заводи қурилишини ҳамда Мурунтов конини хорижий техника-технология ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга жиддий эътибор қаратилди.

Айтайлик, авваллари тоғ жинслари 200 метр чуқурликдан "БелАЗ"лар ёрдамида ташиб чиқариларди. Бироқ замона ўзгариши сабабли Белорусь автомобиль заводи уларни етказиб бериш бўйича тузилган шартнома мажбуриятларини бажармай қўйди. Эскилари эса корхона корига ярамай қолди. Алалхусус, "БелАЗ"лар ўрнига четдан ҳар бирининг баҳоси 1 миллион долларлик "Юклид", 9 минг долларлик "Катерпиллер" русумли, 140-170 тонна юк кўтариш қудратига эга машиналар келтирилди. Шунингдек, 3 миллион долларга нархланадиган экскаваторлар сотиб олинди. Компьютерлар ва бошқа жиҳозлар учун зарур маблағ ажратилди. Энг муҳими, валюта тушуми комбинат ҳисоб рақамида қолдириладиган бўлди.

Айни чоғда ўзимиздаги мавжуд имкониятлардан ҳам ўринли фойдаланилди. Масалан, олтин саноатида ниҳоятда асқотадиган радонли аммоний илгари 1,1 миллион АҚШ доллари эвазига хориждан сотиб олинарди. Сўнгги йилларда уни "Навоийазот" бирлашмасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу билан бир қаторда, радонли натрий тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Бора-бора уларнинг ҳар иккисини-да четдан харид қилиш барҳам топди. Ўз навбатида руда қазиб олишдан заргарлик буюмлари тайёрлашгача бўлган жараёнларни қамраб олувчи заводлар ва қўшма корхоналар барпо этилди. Улар орасида, шубҳасиз, "Зарафшон — Ньюмонт" қўшма корхонаси алоҳида ажралиб туради. Негаки, бу иншоот Мурунтов кони учун ҳам, унинг иккиламчи хомашёси ҳисобланмиш тоғ жинслари учун ҳам бениҳоя зарур эди. Боиси — мустабид тузум даврида олтинчиликда кўр-кўрона йўл тутилди. Аксарият юмушлар такомиллашмаган, иш самадорлиги ўн йиллаб ўзгармаган машина-механизмлар ёрдамида бажарилди. Оқибатда не-не машаққат-ла қазиб олинган рудалар, таркибидаги олтин батамом ажратилмаёқ, чиқитга чиқарилди. Улар тўплана-тўплана ўркач-ўркач тепаликларга айланди. Табиат ҳуснини бузиб, воҳанинг экологик мутаносиблигига путур етказди.

"Зарафшон — Ньюмонт"ни барпо этишдан мақсад ўша сунъий тоғлар оғушида қолиб кетган олтинни нуқрасигача қадар тўлиқ ажратиб олиш, таъбир жоиз бўлса, чиқиндилардан хазина яратиш эди. Шунга кўра, корхонанинг умумий лойиҳа қуввати 228 миллион АҚШ доллари миқдорида белгиланди. Унинг 60 фоизи — 135 миллиони кредит ҳисобидан йўналтирилди. Иншоот 18 ойда қуриб битказилди. 1995 йил 14 июнда унинг биринчи навбати ишга туширилди. Айнан ўша куни узоқ йиллар мобайнида кимлардир менсимаган чиқинди жинслардан ишлов берилмаган хомаки металл ва дастлабки олтин ёмбиси олинди. Орадан уч ҳафта ўтар-ўтмас, Навоийда Давлат кончилик институти очилди.

1997 йил октябрига келиб, завод тўла қувватга эришди. Ана шу жараёнда руда қазиб олишни компьютерлар воситасида бошқариш тизими яратилди. Шунингдек, кон заҳираси ва тоғ жинслари таркиби бойлигини аниқлашнинг мазкур технологияга асосланган математик ҳисоби ҳам жорий этилиб, илк бор синовдан ўтказилди. Аниқроғи, конда ишлаётган машина-экскаваторлар ҳаракати, қазиб олинаётган руда таркиби сунъий ер йўлдошлари орқали назорат қилинадиган бўлди. Шу мақсадда ҳар қайси машинага олтита сунъий ер йўлдоши орқали бошқариладиган компьютер ўрнатилди. Унда ишга дахлдор масалаларнинг барчаси яққол кўриниб туради.

## Бирлашган дарё бўлур...

Табиий, энди ҳақли савол туғилади: хўш, комбинатда мустақиллик йиллари амалга оширилган тубислоҳотлар нечоғли самарали кечди? Чет элликлар билан ўзаро ҳамкорлик қандай натижалар берди?

Аввало, шуни мамнуният ила таъкидлаш жоизки, тежамкорлик ортиб, сарф-харажатлар кескин камайди. Чунончи, ҳозир бизда ҳар унция олтин ишлаб чиқариш учун атиги 130 доллар миқдорида маблағ сарфланаяпти. Транспорт хизмати самарадорлигининг 8-12 фоизга ўсиши эса 15 миллион доллар ҳажмида қўшимча даромад олиш имконини бераяпти. Мурунтов конининг учинчи навбати ишга тушгач, бу кўрсаткич ўн ҳиссага кўпайиб, 150 миллион долларга етиши кутилаяпти.

Иккинчидан, бир замонлар собиқ иттифоқ неча ўн йиллар давомида қойиллатмаган юмушни тенг манфаатли икки мамлакат вакилларидан иборат қўшма корхона аҳли қисқа фурсатда муваффақиятли уддалади. Ана шуларнинг натижаси ўлароқ, маҳсулот ҳажми ва тури кўпайди. Ишлаб чиқариш етмиш фоизга ошди. Ҳозирга қадар 100 тоннадан зиёдроқ сифатли маҳсулот тайёрланди. Мамлакатимиз олтин ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича дунёда еттинчи, жон бошига тақсимлаганда бешинчи ўринга кўтарилди. Бунданам муҳими, ўзбек тилласи сифати жиҳатидан энг соф, энг бебаҳо, энг асл олтин дея эътироф этилди. Шунга мувофиқ, йигирмага яқин халқаро мукофотлару совринларга сазовор бўлди. Жумладан, 1991-95 йилларда Мадридда, АҚШда, Мехикода ўтказилган нодир металлар биржасида тўрт марта "Савдодаги яхши номи учун", икки марта "Олтин юлдуз", бир марта "Олтин глобус" совринларига лойиқ кўрилди. Худди ўша кезларда металл ёмбилар бозорининг Лондон уюшмаси Мурунтов саралаш заводига энг мақбул маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона мақомини берди. Ва ниҳоят, 1999 йили нуфузли Токио биржаси софлилик даражаси "99,99" рақами билан тамғаланган ўзбек олтинини бутун дунё миқёсида тилла сифатини аниқлашнинг олий мезони — эталони тарзида белгилаб қўйди. Жаҳонаро ноёб мажмуага айланган комбинатнинг ўзи эса янги аср арафасида Брюсселлда дунёнинг 62 та йирик фирмаси ва компанияси қатнашган "Евромаркет — 2000" анжуманида Европа бозорида қозонган муваффақиятлари эвазига "Миллиниум" ("Мингйиллик") мукофотини қўлга киритди. Шул сабаб, уни Марказий Америкадаги улкан олтин конларидан бирига менгзаб, "Ўзбек Элдорадоси" деб атай бошладилар.

Бинобарин, қисқа фурсат ичида ер ости ганжиналарига сероб Қизилқум минтақаси ҳаётида батамом янги саҳифа очилди. Яйдоқ саҳрода қад ростлаган Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Зафаробод, Нуробод каби шаҳарлар истиқбол сари юз ўгирди. Улуғ бобокалонимиз номи билан аталмиш комбинат, ишлаб чиқариш салоҳиятига кўра, миллий саноатимизнинг яловбардори даражасига кўтарилди...

## Ишнинг ўзи ишга ўргатади

Дарвоқе, шундай, халқ ҳеч қачон нотўғри гапирмайди! Бирор ишга астойдил киришсангиз, у сизга сир-асрорларини очаверади. Тобора касб маҳоратингиз ва малакангизни ошираверади. Бу ҳақиқат навоийлик materialsкончилар ҳаётида ҳам ёркин ифодасини топмоқда.

Бугунги кунда комбинатда эллик миллату элатга мансуб 56 минг киши меҳнат қилмоқда. Улар мамлакатимиз миқёсида тайёрланаётган цементнинг 42, маъданли ўғитларнинг 35, қимматбаҳо ва рангли металларнинг 73 фоизини етказиб бермоқдалар. Олтину кумуш ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича белгиланган давлат буюртмасини ҳар йили ортиғи билан бажармоқдалар. Бундан ташқари, кўплаб миқдорда трикотаж кийим-кечаклар, чилангарлик дастгоҳлари, сайқалланган мармар тахталар, шиша ва уй-рўзғор буюмлари, кир ювиш ҳамда ўт ўчириш машиналари, юк ортувчи насослар, полиэтилин ва поливинил хлорид қувурлар, электродлар, турли-туман халқ исътемоли моллари ишлаб чиқаришга интилмоқдалар.

Ҳарнечук, бунинг учун имконият ҳам, шарт-шароит ҳам етарли. Чунки комбинат кўп тармоқли ҳисобланади. Унинг таркибида машинасозлик, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати, ҳатто, қишлоқ хўжалик соҳалари ҳам ўзига хос услубда тез ривожланди. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун айрим далил-рақамларга мурожаат қилайлик: бундан беш йилча муқаддам Жерой-Сардора конида фаолият кўрсата бошлаган фосфорит комбинати рудани қайта ишлаб, йилига 300 минг тонна бойитилмаган маъданли ўғит уни тайёрлашга киришганди. Аммо олдинда бойитилган фосфорит концентрати ишлаб чиқариш вазифаси турарди. Шу мақсадда 28 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиб, Германиянинг "Крупп Полезнус" фирмаси дастгоҳлари ўрнатилгач, корхона салоҳияти икки баравар ошди. Йилига 600 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлди. Натижада бу қимматбаҳо ўғитни республикамизга четдан келтиришга чек қўйилди.

Ёки 9 та филиалга эга "Агама" қўшма корхонасини олайлик. У ҳар йили истеъмолчиларга 120 турда бир миллион донадан ортиқ трикотаж кийим-кечаклар, 500 минг жуфт пайпоқ етказиб бераяпти. Ҳозир Зарафшонда корхонанинг иккинчи навбати, Навоий шаҳрида трикотаж фабрикаси бунёд этилаяпти. Заргарликка ихтисослашган "Зариспарк" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси эса биратўла икки тоннага яқин сара олтинга зеб бериб, ранг-баранг совғабоп тақинчоқлар, зирагу балдоқлар, билакузугу никоҳ узуклари ясамоқда. Улар 1998 йили Мехикода бўлиб ўтган Бутунжаҳон кўргазмасида сифат сертификатини олди. 2000-2001 йилларда Москва ва Ереванда ўтказилган кўргазмаларда биринчи даражали дипломлар билан тақдирланди.

Дарвоқе, янги аср бошида ўзбек олтин саноати юксалишнинг янги босқичига қадам қўйди. Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Навоий кон-металлургия комбинати қувватини янада ошириш ниятида 30 миллион долларлик сармоя ажратди. Бу корхона 2013 йилгача чет эл инвестицияси билан тўлиқ таъминланганидан далолатдир.

— Биз, — дейди комбинат Бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис депутати Николай Кучерский ўктам оҳангда, — 2005 йилга бориб олтин ишлаб чиқаришни 20 тоннага кўпайтирамиз. Бу аниқ амалга ошадиган режадир!..

## Жасоратнинг давоми

Ҳойнаҳой, эшитгандирсиз: айни кезлар Қизилқум бағрида яна бир йирик иншоот қурилиши ниҳоясига етаяпти. У тартиб бўйича тўртинчи олтин ишлаб чиқариш мажмуаси бўлади. Инглиз биродарларимиз билан биргаликда қурилаётгани боис "Амантайтоу — Голдфилдз" деб номланган. Асосан биоксидлаш орқали қазиб чиқарилажак ер ости бойликларини қайта ишлашга, яқин-яқингача кераксиз ҳисобланиб келган чиқиндилардан қолдиқ олтинни ажратиб олишга мўлжалланган. У тўлиқ лойиҳа қувватига етгач, 600 киши янги иш ўрни билан таъминланади. Олтин ишлаб чиқариш 25 фоизга ортади. Уран ҳам кўпаяди.

Ҳа, айтганча, икки оғиз ўзбек урани ҳақида. 1996 йили Вашингтонда уни АҚШ бозорларига етказиб бериш юзасидан узоқ муддатга мўлжалланган битим имзоланганди. Шунга мувофиқ, бир нечта янги кон очилди. Маҳсулот ҳажмини белгиланган даражага етказиш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Қазув жабҳасидаги эски андозалардан бутунлай воз кечилди. Яъни, кимёвий реогентлар ишлатилмайдиган, экологик жиҳатдан тоза ва радиацион хавфсиз усул кашф этилди. Ана шу зайл юртимизда уран ишлаб чиқаришнинг ўзига хос бетакрор ва мукаммал мактабига асос солинди. Эндиликда у ер қаъридан қудуқлар воситасида, ишқорланган ҳолда ажратиб олинаётир. Халқаро бозорда харидорлари сафи кенгаяётир. Комбинат бош муҳандиси Евгений Толстовнинг таъкидлашича, бу технологияга қизиқиш катта.

**ХОТИМА ЎРНИДА.** *Кўриниб турибдики, бугунга келиб ўзбек олтин саноати аҳли башар ҳар қанча ҳавас қилса ва ибрат олса арзийдиган даражада равнақ топмоқда. Конларимиз теграсида тармоққа дахлдор янгидан-янги қўшма ва замонавий корхоналар чирой очмоқда. Тизимга энг ишончли ва илғор технологиялар изчил олиб кирилмоқда. Натижада мамлакатимизнинг олтинга бўлган эҳтиёжи босқичма-босқич қондирилмоқда, уни тайёр маҳсулот тариқасида четга чиқариш имкониятлари кенгаймоқда. Буларнинг барчаси, аввало, Истиқлол шарофатидандир. Қолаверса, мамлакатимиз раҳбариятининг соҳага бевосита ва доимий ғамхўрлиги самарасидир!..*

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



*Марғилондаги кичик ва хусусий корхоналар ўртасида "Гулбаҳор уста-шогирд" тикувчилик устахонасининг ўз ўрни бор. Гарчанд устахона раҳбари Гулбаҳор Каримова тадбиркорликка қўл урганига унча кўп вақт бўлмаган бўлса-да, ўзининг ташаббускорлиги билан эл оғзига тушди. Тикувчилар ўртасида уста-шогирд анъанасини такомиллаштирди. Ҳозир устахонада 25 нафар марғилонлик қизлар тикувчилик касби сир-асрорларини ўрганмоқдалар. Яқинда бу ерда бухороча зардўзлик ва каштачиликни ўргатиш ҳам йўлга қўйилди. "Гулбаҳор уста-шогирд" устахонасининг қўлигул чеварлари тикаётган миллий, замонавий ва тўй либослари барчага манзур бўлаётир.*

**СУРАТДА: Гулбаҳор Каримова .**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Биз ва жаҳон

# Германия журнали мамлакатимиз иқтисодиёти хусусида

*Германиянинг экспорт соҳаси мутахассисларига мўлжалланган "Аусландскурьер" журналининг июль сонида Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятига бағишланган кенг қамровли мақола чоп этилди.*

Унда 12 йил аввал мустақилликка эришган республиканинг муваффақиятлари, юртимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни ҳамда қулай инвестицион муҳит ҳақида батафсил маълумот берилган.

Мамлакатимиз иқтисодиёти хусусида мушоҳада юритилар экан, Ўзбекистоннинг Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки билан ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилган.

— Ўзбекистон ЕТТБ билан ҳамкорликда 20 дан зиёд лойиҳаларни амалга оширди. Умумий қиймати 1,4 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган ушбу лойиҳаларнинг 723,8 миллион доллари ЕТТБ томонидан молиялаштирилган, — деб ёзади журнал.

Айниқса, мамлакатимиз иқтисодий муваффақиятининг эътирофи қуйидаги сатрларда яққол кўзга ташланади.

— Дунё бозорларига жадал кириб бораётган ёш мамлакатнинг тўла энергетик мустақилликка эришгани алоҳида ҳурмат ва эътиборга лойиқ. Мамлакатда 1995 йилдан буён четдан нефть келтирилмаяпти, 530 дан зиёд нефть ва газ конлари, қайта ишлаш корхоналари мавжуд.

Хулоса ўрнида журнал "Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, унинг сўнгги йиллар давомида дунёнинг автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлари қаторидан жой олгани, халқаро молия ташкилотлари билан тобора мустаҳкамланиб бораётган алоқалари республикада иш олиб бориш истиқболли эканидан далолатдир," деб ёзади.

**Аслам АКБАРОВ,**
**"Жаҳон" АА, Берлин.**

# 160 МИЛЛИОН СЎМЛИК ШАРТНОМА

*Андижон шаҳрида ташкил этилган кўргазмани кўздан кечириб, беихтиёр «Ўтган кунлар»даги Юсуфбек ҳожининг машҳур иборасини бир оз ўзгартириб «Ўзбекистонда шунча мол ишлаб чиқарилар экан-ку, билмай юрган эканмиз!» деб юборишингиз табиий.*

Кўргазма

Мана уч ойдирки, шаҳарнинг энг гавжум ва шинам «Истиқлол» шоҳкўчасидаги «Андижонгўштсавдо» уюшмасининг собиқ кўргазмалар залида доимий фаолият кўрсатувчи улгуржи савдо кўргазмаси ишлаб турибди. Дастлаб бу ерга унинг таъсисчилари маҳсулотлари қўйилган бўлса, қисқа вақт ичида мамлакатимиздаги 75 та акционерлик жамиятлари, хусусий тадбиркорлар, қўшма корхоналарда тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилмоқда. Товарлар, маҳсулотларнинг хилма-хиллиги шубҳасиз дунёдаги мана-ман деган фирмалар товарлари билан бемалол рақобатлаша олади. Энг муҳими, улар арзон, пишиқ, халқимиз диди ва табиатига мос бўлиб, кўргазмага ташриф буюраётганларнинг эътиборини тортмоқда.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг 26 та корхонаси 740 турдаги маҳсулотларини истеъмолчилар эътиборига ҳавола қилган. Корхоналарнинг аксарияти Андижондан бўлса керак десангиз хато қиласиз. Бу ерда мезбонларнинг фақат бешта корхонаси қатнашган, холос. Шунингдек, «Ўзбекчармпойабзал» уюшмасидан 12 та, «Маҳаллийсаноат» компаниясидан 7 та, «Ўзбек қоғози» уюшмасидан 5 та корхона ўз маҳсулотларини мижозлар эътиборига ҳавола қилган. Хусусий тадбиркорлар, ҳунармандлар тайёрлаган маҳсулотларга энг кўзга кўринарли пештахталаридан ўрин берилган. Шундоқ кираверишда 10 та тадбиркорнинг 170 дан зиёд маҳсулотлари чиройли, ораста қилиб териб қўйилган. Олтинкўл туманидаги «Кезар-Тур» кичик корхонаси «Ташаббус — 2003» вилоят босқичининг ғолиби, республика босқичининг эса совриндори ҳисобланади. Хорижнинг машҳур фирмалари маҳсулотларидан сира қолишмайдиган болалар спорт кийимлари, ёшларнинг ёзлик ва енгил кийим-бошларини кўриб ҳавасингиз келади. «Бунёдкор» хусусий фирмасининг эркаклар костюмлари, «Фарида-Люкс» хусусий жамоасининг турли нусхадаги кўйлакларини кўздан кечириб, бизда моҳир, қўли гул чеварлар сулоласи боқий эканлигидан завқланиб кетасиз.

Муталибжон Содиқов миллий ҳунарманд сулоласининг муносиб вориси. Унинг беқасам, атласларининг қадимий нусхалари сизни беихтиёр мозийга етаклайди.

— Ота-боболарим абрбанд косиб ўтган, — дейди ҳунарманд Муталибжон. — Шўро тузуми даврида бобом Содиқжон адрас дастгоҳлари, иш дўконини яширишга мажбур бўлган. Артелга бирлашишни хоҳламаган экан. Ҳунармандниnг елкасига офтоб тегадиган кунлар келди. Бобомнинг томга яшириб қўйилган дастгоҳини олиб, отам бошчилигида авлодларимиз касби-корини бошлаб юбордик. Унутилиб кетган нусхаларини тиклашга ҳаракат қилаяпмиз. Кўргазмага XIX асрда урф бўлган бухороча адрас, бодом нусха беқасамларни, ноғорагул қўл дўкон атласларни олиб келдик.

Уларга қизиқиш шунчалик катта бўлади, деб ўйламаган эканман. Қатор улгуржи савдо шохобчалари, хусусий тадбиркорлар билан маҳсулот етказиб бериш ҳақида келишиб олдик.

— Яқингинада ҳам мол ахтариб қўшни Қирғизистоннинг Қорасув, Бишкек бозорларида сарсон-саргардон кезиб юрар эдик, — дейди андижонлик хусусий тадбиркор Шавкатжон Муҳаммаджонов. — Биз ахтарган товарларнинг ҳаммаси деярли ўзимизда бор экан. Айниқса, Қўқон шаҳрида «Улуғбек» хиссадорлик жамиятининг ўн хилдаги эркаклар пайпоқлари комплекти, ёш теннисчиларга мўлжалланган жамламалар, болалар гедраси жуда манзур бўлди. Ахир, биз ҳозиргача Хитой моллари билан савдо қилиб юрган эдик-да. Энди маҳсулотларимиз билан савдо дўконлари пештахталарини тўлдириб юборамиз.

Кўргазмада баъзи корхоналарнинг маҳсулотларига эътирозлар ҳам билдирилди. Хусусан, «Ўзбек ипаги» уюшмасига қарашли тўртта корхонанинг 70 хилдан зиёд маҳсулоти уч ойдан бери намойиш қилинаётганига қарамай уларга харидорлар қизиқмаяпти. Сабаби маҳсулотлар бозордан 30-50 фоиз қиммат. Сифати ҳам харидор талаби даражасида эмас. «Бухоротекс» маҳсулотларининг нархи ҳам харидорни «чақиб» олади. Бу корхоналарга нархларни қайтадан кўриб чиқиш ҳақида тавсиялар берилди. Кўргазмада 50 га яқин, 160 миллион сўмлик шартномалар имзоланди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Газетада босилмади, аммо...

## Оқ халатга тушган доғ

**Таҳририят**га бир гуруҳ шифокорлардан келган шикоят хатида Наманган вилояти кўп тармоқли шифохонасида носоғлом муҳит юзага келгани, янги бош врач порахўрлик ва тамагирликка рўжу қўйгани, шунингдек, ходимларни ишга қабул қилиш жараёнида меҳнат кодекси қоидалари бузилаётганлиги, шифохона бюджет маблағлари талон-торож қилинаётгани баён этилган эди.

**Расмий жавоб**да айтилишича, тафтиш текширишлари жараёнида шифохона бош ҳакими Алишер Рўзимбоев мансабдор шахс лавозимида ишлаб келгани ҳолда даволанувчилардан моддий қимматликлар олиш билан шуғулланиб келганлиги аниқланган. Шунингдек, шифокор қўшимча равишда 0,5 ставка иш бериш эвазига шифокор Т. Жамолиддиновдан 240.000 сўм, врач Х.Валиевдан эса тўртта автомашина баллонларини Б.Шарипов орқали олганлиги маълум бўлган. Шунга кўра, А.Рўзимбоевга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Расмий жавобга Наманган вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Ж. Низомов имзо чеккан.

# Ўзбекистонга қизиқиш катта

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижобий ўзгаришлар кунчиқар ўлкада ҳам акс-садо бера бошлади. Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси биносида ўтказилган семинар мамламкатимиз туризм салоҳиятига бағишланди. Тадбирда иштирок этган Япониянинг етакчи сайёҳлик гуруҳлари вакиллари Ўзбекистондаги туризм соҳаси ҳақида бир қатор ижобий фикрлар билдиришди.

Япониянинг етакчи сайёҳлик гуруҳи «Уорлд Эйр-Си-Сервис» компаниясининг бошқарувчиси жаноб Катсуҳиро Катсуми тадбирни очар экан, «Биз — Япониядаги туристик компаниялар вакиллари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мамлакатда ушбу соҳани ривожлантириш борасида қатор амалий ишлар йўлга қўйилаётганидан мамнунмиз», — деди.

Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси М. Очилов тадбир иштирокчиларига Буюк Ипак йўлида жойлашган Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги қадим алоқалар тарихи ҳамда ана шу муносабатлар истиқболлари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Тадбирда Япониянинг етакчи сайёҳлик гуруҳлари, жумладан, «Уорлд Эйр-Си Сервис Ко.Лтд» ва «Жей-Ти-Би» компанияси раҳбарлари, шунингдек, Токиода фаолият олиб бораётган мустақил туризм агентлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

**Б. АЛИМОВ,**
**«Жаҳон» АА, Токио.**

# Ёшлар Озарбайжонда учрашди

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши билан Озарбайжон Республикаси Ёшлар, спорт ва туризм вазирлиги ўртасида имзоланган ҳамкорлик шартномасига асосан Ўзбекистон ёшлари делегацияси Озарбайжонда бўлиб қайтишди. «Янги Озарбайжон» ёшлар оромгоҳида бўлиб ўтган тадбирда озарбайжонлик ёшлардан ташқари Россия, Украина, Бангладеш Республикаларидан келган делегациялар ҳам иштирок этдилар. Анжуманда Ўзбекистоннинг тарихи, саноати, қишлоқ хўжалиги, маданияти, ёшлар ташкилотлари фаолиятлари тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Шаҳарнинг «Карвонсарой» номли кўргазма залида эса мазкур анжуманга бағишланган фотокўргазма намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжондаги элчиси А. Абдураҳмонов ҳам иштирок этди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

Мустақилликнинг 12 йиллиги олдидан

# «ҚУЁШ ПИТНАКДА УЙҒОНАДИ»

*Питнак шаҳри Хоразмнинг кун чиқарида, Амударёнинг чап соҳилида, Қорақум этагида жойлашган. Бир тарафдан Туркманистоннинг Газ-Ачаг шаҳри, иккинчи томондан Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл тумани билан чегарадош. Эрта тонгда қуёш дастлаб Амударё тўлқинларини жимирлатиб, уни жиловлаб турган улкан Туямўйин тўғонининг нақшиндор метин деворларида ўйнайди. Кейин Питнак шаҳрини бағрига олиб, бутун Хоразм воҳасига таралади.*

*Питнак — қадимий маскан. Унинг кўҳна тарихи, афсоналари бор. Суғориш учун қулай бўлганлиги боис, бу ерга одамлар милоддан аввалги асрларда келиб, жойлашганлар.*

*XVI аср бошларида Хива хонлиги тасарруфида бўлган, кейинчалик туман мақомини олган.*

Питнак сўзи қадимий хоразм тилида «Пита — ер, тақир, нак — кичик, оз ер» маъносини англатади. 1968 йили Амударёни жиловлаш, Туямўйин гидроузелини қуриш ишлари бошланди. Бу ҳаракат 10 йил давом этди. Шу пайтда Питнак шаҳри ҳам бунёд этилди. Бу шаҳар 1974 йилдан «Дружба» (Дўстлик), 1998 йилдан яна Питнак номи билан аталди. Ҳозир бу ерда 42 мингга яқин, 16 миллатга мансуб аҳоли истиқомат қилади.

Қадимда бу жойда Питнак қалъаси бўлиб, унинг қўрғони баланд ўйилган тупроқ, чорбоғ устига қурилган пахса деворлардан иборат бўлган. У тўртбурчак шаклида, тўрт тарафида тўртта дарвозаси бўлиб, атрофи чуқур зовур билан ўралган. Қалъа душмандан вақтинча ҳимояланишга мўлжалланган. Чунки унинг ичида турар жойлар, бозор, дўконлар, мадрасалар бўлмаган. Булар қалъа ташқарисида жойлашган. 1928 йили бу ерда колхоз тузилади, қулоқлар тугатилади. Колхозчиларнинг дастлабки мажбурий машғулоти Питнак қалъасини — «эскилик сарқитини» ер юзидан йўқотиш, ўрнини текислаб, йўқ қилиб юборишдан бошланади. Ноёб тарихий ёдгорлик Питнак қалъаси шу тариқа йўқ бўлади.

Питнакда Ҳазрат Умар Эшон мақбараси бор. Бу ер доим зиёратчилар билан гавжум. Зиёратгоҳга ихлос билан келганларнинг дили равшан тортади.

Унинг алп қоматли, жасоратлилиги туфайли ўз тошидан оғир полвонларни ҳам курашга чорлайверадиган Ҳасан полвони бўлган. Питнаклик Ҳасан полвонга ўхшаш ўнлаб полвонлар кузда ҳосил йиғиб-териб олингач бошланадиган тўй мавсумида Амударёнинг қуйи оқими бўйлаб сафар қилганлар. Тўйлар тугаб, Питнакка қайтган полвонлар бир сурув қўй, эчки, қорамол, йилқиларни ҳайдаб келганлар. Хуржунлари чопону чақаларга, кумуш тангаларга тўла бўлган. Бу уларнинг кураш тушиб, эга бўлган совринлари эди.

Питнак — саноатчилар шаҳри. Шаҳарда «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» акциядорлик жамияти, «Коинот» ҳиссадорлик жамияти, Туямўйин ГЭСи, «Туямўйин-Урганч» сув тозалаш иншооти каби 10 та саноат корхонаси, 200 дан ортиқ ўрта ва кичик бизнес корхоналари фаолият олиб бормоқда. Улардаги ишлаб чиқариш кундан-кунга кенгаяпти. Ҳар қадамда ўсиш, янгиланишни кўриш мумкин.

Бугунги Питнак шаҳри улкан қурилиш майдонига ўхшайди. Негаки ҳамма жойда янги қурилиш, таъмирлаш ишлари олиб борилаётир. Бу йил вилоят ҳокимининг қарори билан Питнак шаҳри ва Туямўйин гидроузелининг 30 йиллиги нишонланади.

Ушбу тантанага тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Шаҳар марказида «Хотира майдони» бунёд этилаяпти. Йўллар таъмирланаяпти. Шаҳарни ободонлаштириш ишлари эътиборни тортади.

— Бу ишларни кўриб шаҳримиздаги ҳар бир хонадон эгасининг кайфиятида кўтаринкилик пайдо бўлди, — дейди шаҳар ҳокими Оллаберган Матяқубов. — Эрта тонгда маҳаллага кириб боришинг билан, келинларнинг кўча супуриб, сув сепиб юрганини кўрасан. Тонгданоқ кўчалар гавжум бўлади. Шаҳар аҳли ободонлаштиришга бош қўшаяпти. Бу йил шаҳардаги 44 та кўп қаватли уйнинг барчаси таъмирланади. 25 гектар майдонни эгаллаган истироҳат боғи бутунлай таъмирланиб, аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилади. Шаҳримизда 900 ўринли коллеж қурилаётир. Мустақиллик байрами куни ишга тушади. Мактабларнинг ҳаммаси таъмирланаяпти. Шаҳардаги кўп қаватли уйларда яшаётган аҳоли учун бир янгилик бор. Улар сиқилиб, қимтиниб юрмаслиги учун уларга шаҳар чеккасидан 6 сотиҳдан ер ажратиб бериладиган бўлди. Хоҳласа деҳқончилик қилсин, хоҳласа уй қуриб олсин.

Қурувчи, яратувчи юрт — Питнак. Ишонмасангиз питнакликлар бунёд этган Туямўйин гидроузелини бориб кўринг. Унинг маҳобатидан ҳайратга тушасиз. Қойил қоласиз. Қадим Амударёни жиловлаганлар, унинг кувватидан электр токи олишга муваффақ бўлганлар ҳам шулар. Бу ерда ҳам тантанага тайёргарлик кўрилаяпти. Копарас сув омбори, Султонсанжар сув иншооти, маъмурий бинолари тўла таъмирланди.

Питнакликлар ниҳоятда болажон халқ. Улар вояга етмаган 18 минг нафар фарзандининг келажаги учун, тарбияси учун қайғураяптилар. 18 та мактабда билим олаётган болаларга 4 та маданият уйи, 14 та кутубхона, 3 та клуб хизмат қилаяпти. Шаҳарда 2 та ёзги, 2 та қишки кинотеатр, 2 та тарих музейи фаолият кўрсатаяпти.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 434 нафар ёш йигит-қиз тарбияланаяпти. Шаҳарнинг «Питнак» футбол командаси вилоятдаги энг кучли футбол жамоаларидан бири.

Питнакликлар азалдан деҳқончилик, чорвачилик билан машғул бўлганлар. Қум этагидаги Тупроққалъа, Саримой қишлоқлари Питнак шаҳар ҳокимлиги қарамоғида. Бу қишлоқлардаги 6106 гектар экин майдонида мўл пахта, шоли, узум етиштирилаяпти. Буғдойдан юқори хирмон уюлди. Чорвачилик ҳам ривож топаяпти.

Питнакликлар билан суҳбатлашсангиз, бугунги қилаётган ишлари ҳақида гапирадилар. Кеча қилган ишлари билан мақтанмайдилар. Келажак учун тузиб қўйган режаларидан сўзлайдилар. Қиладиган ишларимиз кўп, дейишади. Сизни шаҳарнинг тўйига таклиф қилишади. Зеро, мустақил юртнинг шаҳарларига тўйлар ярашади.

Питнакка йўлингиз тушса, кўринг, ҳақиқатдан ҳам тонгда қуёш Питнакда уйғонади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Миллий дастур ниҳоллари

# Каримжоннинг коллежи

**иқтидорли ёшларни кашф этишга хизмат қилади**

Кореялик бу ишбилармон йигит билан биринчи бор суҳбатлашганимдаёқ унинг теран мулоҳазалари, мушоҳадага бой фикрларидан завқ олгандим. Ўшанда у ўзининг меҳнат фаолияти, Ўзбекистонга келишдан мақсади ва келажак режалари хусусида гапириб берганди.

Ким Кван Жун Жанубий Кореянинг Нон Сан шаҳрида туғилган. Жун Бу университетини тарих фани ихтисослиги бўйича тугатган. Илмий унвони профессор, мусиқага ихлоси баланд. Жун Чонамда вилоятининг Дежон шаҳрида хусусий мусиқа мактаби раҳбари бўлиб ишлаган. 1995 йили Ўзбекистонга келгач, Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида малака оширган. Ўзбек, рус, инглиз тилларида равон гаплаша олади.

Орадан икки йил ўтиб Ким Кван Жун Пастдарғом тумани маркази Жума шаҳрида “Шарон” болалар хайрия жамғармасини ташкил этди. Хусусий маблағи ҳисобидан шу ерда катта санъат даргоҳи барпо қилди. Бир бинолар қурдики, бири биридан гўзал, муҳташам. Улар меъморий жиҳатдан бири иккинчисини такрорламайди. Жиҳозлари яп-янги, замонавий. Хилма-хил мусиқа асбобларини айтмайсизми?

Ана шу даргоҳда Ўзбекистон — Корея санъат ўқув марказининг хусусий ўрта махсус таълим коллежи очилди. Республика Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қўшма буйруғи билан коллежда Ўзбекистон фуқароларининг ўрнатилган тартибда таълим олиши билан бирга чет эл фуқароларини тўлов-шартнома асосида ўқишга жалб этишга рухсат берилди.

Бу орада Ким Кван Жун ўзбекона ҳаётга сингишиб кетди. Оиласини кўчириб келди. Тўй-маъракаларга аралашди. Ўзбек миллий маданияти, урф-одатларини ўрганди. Маҳаллаю мактабдан, кам таъминланган оилалардан хайр-саховатини аямади.

Пастдарғомликлар уни Каримжон деб чақиришга, корейснинг ўзбеги дея аташга одатланишди. Бу исм унинг ўзига ҳам маъқул тушди чоғи, Каримжон дейишганда юзига табассум ёйиладиган бўлди.

Ҳозир Каримжоннинг хусусий коллежида 76 нафар талаба бор. Уларнинг 11 нафари корейликлар. Коллежда фортепьяна, хореография, рассомчилик, эстрада, торли созлар, мақом, халқ чолғулари бўлимлари очилган. Ҳар бир соҳа учун алоҳида жиҳозланган хоналар мавжуд. Концерт зали йирик театрларникидан қолишмайди. Дастлабки ўқув йилиданоқ коллеж ёш мусиқачилари фортепьяна, халқ чолғулари ва торли созлар бўйича республика танловларида иштирок этишди. Жумладан, ўрта махсус мусиқа ва санъат ўқув юртлари ёш иштирокчиларининг торли чолғулар бўйича XVII республика танлови шу ерда ўтганди. Ўн кун давом этган мазкур тадбир ташаббускори Каримжоннинг ўзи бўлди. Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва республика Маданият ишлари вазирлиги бу ташаббусни қўллаб-қувватлади.

— Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг яна тўртта вилоятидан ёш ижрочилар қатнашди, — дейди Глиэр номли республика мусиқа лицейи ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Озод Акбаров. — Очиғи, қишлоқ туманида шундай санъат даргоҳи борлигига қойил қолдим. Дарҳақиқат, коллеждаги бор имкониятлар киши кўз ўнгида бутун бўй-басти билан мана-ман, деб турибди. Лекин мусиқа даргоҳи раҳбари Каримжонни мутахассислар таърифлаган олий даражадаги ишлар қониқтирган эмас. Унинг навбатдаги режаси коллеж базасида хусусий олий мусиқа даргоҳи очиш.

— Нафақат Шарқ, балки дунё санъатини асрлар оша бирлаштириб келган қадимий Самарқандда албатта Санъат институти бўлиши керак, — дейди у. — Жума шаҳри Самарқанддан унчалик узоқ эмас. Бизда институт учун пойдевор ҳам, база ҳам тайёр. Яна аҳамиятлиси, иқтидорли ёшлар чекка қишлоқларда кўплаб топилади. Бундай институт қишлоқларга қанчалик яқин бўлса, истеъдодларни кашф этиш ҳам шунчалик енгил кўчади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

# ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. У Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишида мамлакатимиз раҳбари томонидан адлия идоралари олдига қўйилган вазифалар ижроси ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган режаларга бағишланди.**

**Мажлисда адлия вазири А. Полвонзода маъруза қилди.**

Вазирлик томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Натижада ноқонуний текшириш ҳолатлари камайиб, уларни рўйхатга олиш ишлари яхшиланди, шартнома интизоми кучаймоқда. Хусусий мулк эгаларининг қонунларга бўлган ишончи ортиб боряпти. Ушбу мураккаб жараёнларда мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан ташкил этилган тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг аҳамияти катта. Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, давлат томонидан тадбиркорларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда ва уларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорларнинг адлия идораларига мурожаатлари сони ўтган йилга нисбатан икки баробар ошди. Уларнинг 80 фоизи судларга даъво аризаси киритиш ва бошқа таъсир чоралар ёрдамида қаноатлантирилди. Шундай ҳуқуқий ёрдам хорижий инвесторларга ҳам кўрсатилмоқда. Ярим йил давомида адлия идоралари томонидан тадбиркорлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг манфаатини кўзлаб судларга 14,2 миллиард сўмлик 6,5 мингдан ортиқ даъво аризаси киритилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига қараганда икки баробар кўпдир. 2439 ариза 159,5 миллион сўмлик етказилган моддий ва маънавий зарарни бевосита 612 нафар мансабдор шахснинг чўнтагидан ундиришга қаратилган.

Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик ижроси юзасидан жойларда ўтказилган ўрганишлар шуни кўрсатдики, айрим давлат идораларининг раҳбарлари ҳанузгача тадбиркорлар фаолиятига аралашиш мумкин эмаслигини тўла тушуниб етмаяпти. Ўтган ярим йилда Адлия вазирлиги томонидан 6 вилоятда бозор ислоҳотларига оид қонунчиликка риоя этилиш амалиёти ўрганилганда, тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларининг бузилиши билан боғлиқ 117 мингдан ортиқ ҳолат аниқланди.

Ҳайъат мажлисида адлия идораларининг асосий эътибори жойларда, аввало, қишлоқ хўжалиги корхоналарида шартномавий муносабатларни тартибга солишга ва шартномалар бажарилиши устидан назоратни кучайтиришга қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

**(ЎзА).**



# Малҳамга айланажак гиёҳлар

*Она заминимизда ўсаётган ҳар бир гиёҳ шифобахш. Айниқса, қизилмия энг ноёб ўсимликлар сирасига киради. У шамоллаш касаллигига шифо бўлиш билан бир қаторда инсон организмини ёшартириш хусусиятига ҳам эга.*

*Бир неча йиллардан буён «Қорақалпоқбоян» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти мазкур ўсимликни етиштириш ва уни экспорт қилиш билан шуғулланади. Россия, Хитой, Германия ва Корея сингари мамлакатлар табобатчилари «Қорақалпоқбоян»нинг доимий мижозларидир.*

**СУРАТЛАРДА:** ишчи Венера Алибоева; «Қорақалпоқбоян»да иш қизғин.

**Омонбой МУРОТОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**



**Жиззах туманидаги Ровот ҳамда Зоминдаги Қўнғирбой қишлоқлари ўғил-қизлари янги ўқув йилини замонавий синфхоналарда бошлайдиган бўлишди. Мактаблар қурилиши учун вилоят ҳокимлиги капитал қурилиши бошқармаси 165 миллион сўм сарфлаган бўлса, билим даргоҳлари учун 33 миллион сўмлик жиҳозлар келтирилди.**

## Қишлоқларда замонавий мактаблар

**Мустақилликнинг 12 йиллик байрамигача Бахмал туманининг Қирақишлоқ, Музбек ҳамда Фориш туманидаги Осмонсой қишлоғида ҳам янги мактаблар биноларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилаяпти. Бу билан салкам 2 минг нафар қишлоқ болаларининг замонавий ўқув маскан ларида илм олишлари учун шароит яратилади.**

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Янги дарслик

# РАВОН, ТУШУНАРЛИ, ТАҲЛИЛЛИ




Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ўзгариш ва жараёнлар молиявий таҳлил фанининг талабаларга мазмунан ва моҳиятан янгиланган ҳолда етказилишини тақозо этади. Сабаби, иқтисодий таҳлилга юқори ташкилот (давлат) нуқтаи назаридан эмас, балки мулкдор ва меҳнат жамоаси манфаати билан қараладиган бўлди. Бу объектив жараёнларнинг ҳаммаси молиявий таҳлил фанининг такомиллаштирилишини, унинг бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга мос назарий, методологик ва ташкилий муаммоларини ҳал қилишни талаб қилади. Молиявий таҳлилнинг ҳам маълум белгилари, методологияси мавжуд. Ушбу жиҳатлар юқорида айтиб ўтилганидек, мулкдорлар манфаатига мослаштирилиши ва уларга тушунарли тарзда етказилиши зарур. Бугунги кунда ушбу жиҳатларни ҳисобга олинган ҳолда олимларимиз томонидан бир қатор ўқув қўлланмалари яратилаяпти.

Жумладан, Тошкент молия институти профессорлари А. Ваҳобов ва А. Ибрагимовларнинг «Молиявий таҳлил» номли дарслиги ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Аниқроғи, унда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт йўлига мос молиявий таҳлил методологияси ёритилган. Мулкнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда молиявий таҳлилга киритилган янги иқтисодий категорияларни ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари кўрсатиб берилган. Шунингдек, унда кўрсаткичларнинг ҳар биридан самарали фойдаланиш йўллари ва уларнинг фойдалилигини ошириш бўйича тавсиялар ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси аниқ хўжалик юритиш субъектининг молиявий ҳисобот шакллари асосида иқтисодчиларга, талабаларга етказишга асослангандир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда «Молиявий таҳлил» дарслигининг икки жиҳати — илмий ютуғию, техник тузилишини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Мазкур дарслик илмий тарафдан турли мулк шаклларига асосланган корхоналарнинг молиявий мустаҳкамлиги, банкротлиги, ночорлиги, барқарорлиги, молиявий натижалари, солиқланишини ифодаловчи, айланма маблағларнинг, дебиторлик, кредиторлик қарзларининг айланиши ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари, асосий воситалар, уларнинг ҳаракати ва фойдалилигини ошириш имкониятлари, пул оқимларининг ҳаракати ва уларни оқилона сарфлаш, хусусий капитал таркиби ва улардан фойдаланиш бўйича чуқур билим бериш имконига эга.

Албатта, молиявий таҳлилнинг юқоридаги мавзулари илгари ҳам чуқур ўрганилган. Лекин, фикр юритаётган ушбу дарслигимиз бозор иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида юзага келган янги иқтисодий категорияларнинг таҳлили ва улар бўйича оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари, усуллари асосида бойитилган.

Дарсликнинг иккинчи ютуғи сифатида мавзуларнинг олий таълим дастури асосида, фанни чуқур қамраб олган ҳолда тузилганлиги, аспирантлар, талабалар ва бошқаларнинг билимини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир мавзунинг охирида такрорлаш учун саволлар келтирилганлиги, мустақил ўрганиш учун топшириқлар берилганлиги, китобхонлар билимини мустаҳкамлаш ҳамда фан мавзуларини такрорлаш мақсадида тестлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Умуман олганда, ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган таълимнинг иқтисодиёт ва молияга оид ўқув йўналишларига мўлжалланган миллий стандартларга тўғри келади. Шунингдек, у ўзбек тилида равон, тушунарли тарзда ёзилган бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан чамбарчас уйғунлашган.

**Э. АКРОМОВ,**
**иқтисод фанлари доктори,**
**профессор.**

Мулоҳаза

# МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

## туфайли хусусий радиоларда тингловчига nописандлик, тилимизга ва ўзлигимизга номуносиб хатти-ҳаракатлар тобора кучаймоқда

*Бугун FM тармоғида “Пойтахт”, “Орият доно”, “Орият FM”, “Сезам”, “Терра”, “Водий садоси”, “Ситор”, “Наврўз”, “Ўзбегим таронаси” сингари хусусий студиялар ишлаб турибди. Ана шу жараённинг ўзи, яъни давлатнинг шу йўналишдаги каналлари билан ижодий рақобатнинг юзага келиши учун яралган муҳит жуда муҳим. Яқинда ўзини ўта билимдон санайдиган радиожурналистлардан бирига шуни айтсам, тутоқиб кетди. Тушунган одам давлат радиоси билан хусусий радио студиялари фаолиятини қиёсламасмиш. Улар орасида ер билан осмонча фарқ бормиш. Албатта, фарқ бўлиши табиий. Қолаверса, одамлар бу радиоларни ҳам эшитмоқда. Улар эрта-индин жиловни қўлига ололмайди, деган кафолатни ҳеч ким беролмайди. Демак, рақобатчиларимизни мардлик билан тан олишни ҳам ўрганишимиз керакка ўхшайди.*

Гоҳида сезилиб, гоҳида сезилмаса-да, хусусий радиоларнинг ҳар бири ўз йўналиши, ўз услубига эга. Уларнинг тили ва ғоявий-бадиий мундарижасига қараб, бугунги изланишларини таҳлил этишга ҳаракат қилайлик. Радиобошловчи ҳамда эшиттириш қатнашчиларининг эркин суҳбат қуришлари уларнинг ютуғи, албатта. “Пойтахт”, “Наврўз”,“Орият доно” сингари радиоларнинг мухлислари ортиб бормоқда. “Орият доно” радиоси фаолиятида миллий қадриятларимизга ҳурмат сезилади. Унда “Назм жавоҳирлари” рукни мунтазам ишламоқда. Ироданхоннинг “Аржуманд” дастури эътиборга молик. У ёки бу соҳанинг таниқли кишиларига бераладиган саволлари пишиқ. Қўшиқлар — матн билан ҳамоҳанг. Уни тинглаб, маза қилиб дам оласиз.

Лекин, минг афсус, хусусий радиостудияларнинг ютуқларидан камчиликлари кўпдай туюлади. Дастурларини диққат билан эшитсангиз, ўзбек тили ғариб тилга айланиб қолган, деган хулосага келиш ҳам қийин эмас. Гап шундаки, эфирда муаллифлар халқ сўз бойлигидан фойдаланишда жуда оқсайдилар. Бир сўз ёки ибора кўп ўтмасдан яна қўлланилади. Бу сўзларнинг ниҳоятда чиройли синонимлари борлиги, уларни ўз ўрнида қўллаш орқали нафақат нутққа сайқал бериш, балки тингловчини радио олдида узоқроқ тутиб туриш имкониятидан фойдаланмайдилар.

“Сезам” радиосида якшанба куни Жаҳонгир исмли хонанда билан суҳбат уюштирилди. Учрашув давомида иштирокчи ўнга яқин русча сўзлар қўллади. Биз бошловчи уларни дарҳол ўзбекчага ўгириб, тузатиб боришини кутдик. Аммо у бирор марта бўлсин, тузатиш киритмади. Бу сингари тил бузилиши ҳолатларига табиийдек қаради. Айни ҳаракати орқали ўзбек тилига ҳурматсизлик, эътиборсизликка йўл берди. Хусусий радиостанциялар рекламаларида ҳам русча сўзлар қалашиб ётибди. Улардаги нуқсонлардан бири — бошловчилар ўз овозларига, ниҳоятда ортиқча “бўёқ” чаплашади. Хусусан, аёл бошловчиларнинг нутқларида овозга сохта ўйноқилик қўшиш кучли. Одатда ўзбекча сўз бўлганидек, ўзбекон талаффуз, дикция ҳам мавжуд. Бошловчилар ўзбекча сўзларга русча, баъзан хорижий дикцияни зўрма-зўраки қориштиришади. Натижада энсани қотирадиган аллақандай ғала-ғовур юзага келади. У фикрни илғаб олишга халақит беради. Оддийлик ва самимийликка уйғунлашган ижод маҳсулигина одамни ўзига тортади. Ҳаётда қандай суҳбатлашиб, қандай мулоҳаза юритсак, эфирда ҳам шундай бўлиши керак. Албатта, катта минбарлардан туриб сўзлашнинг ўз қонун-қоидалари бор, аммо бу турли оҳангларга йўрғалаш мумкин дегани эмас. Бундай камчиликлар биз санаб ўтган ҳамма радиоларга хос хусусият. Фақатгина “Ўзтелерадиокомпания”нинг “Ёшлар” радиоканали меъёрни сақлашга ҳаракат қилади.

Радиодастурларнинг ғоявий-бадиий савиясига келганда, уларнинг аксарият қисми турли ўйинлар, қизиқчи-аскиячилар, машҳур хонандалар билан суҳбатлардан, туғилган кун табриклари, жаҳон эстрада юлдузларининг қўшиқларидан иборат. Деярли барча радиоларда тингловчилар билан ўйинлар ўтказилади. Аммо бу ўйинларнинг савияси жуда паст. Дам олиш куни “Эхо долины” радиосида “Потерянные вещи” деган ўйин бўлди. 15 нафар тингловчи бошловчилар билан боғланиб, челагим йўқолди, ҳокандозим йўқолди, у фалон рангда эди, дея маълум қилди. Бошловчилар кулгига олишди. Натижа нима бўларкин, десам, қўшиққа ўтиб тугалланди.

Хўш, бу сингари мазмунсиз ўйинларнинг нима кераги бор? “Наврўз” радиосида интерсевги, халқ ёрдами деган ўйинлар бор. Тингловчилар қўнғироқ қилиб, маълум кишиларига севги изҳорларини ошкор этишади. Ёки музлатгичининг қалин музлатаётганидан шикоят қилиб бир ўсмир сим қоқди. Бошловчи ким қандай ёрдам бера олишини эълон қилди. Бири у деди, бири бу. Охирида устага борган маъқул деган хулосага келинди. Булар мусоҳаба киройи вақт сарфлаб тинглаганга арзимайди. Ёмон томони шундаки, ёшлар, баъзида катталар ҳам шу сингари ўйинларга берилмоқдалар. Аксарият қўнғироқ қилувчилар ўсмир йигит-қизлар эканлиги одамни ўйлантиради. Бу сингари эфирга чиқишлар ёшларда ҳаётга нисбатан енгил-елпи қараш, тилимизга нописандлик уйғотмайди деб ким айта олади.

Кузатганда амин бўлдикки, бозор, расталарда, одамлар гавжум жойларда албатта, биз тилга олган радиоларнинг бирортаси баландлатиб қўйилган бўлади. Чунки уларнинг ҳаммасида тез-тез қўшиқ берилади. Дарвоқе, қўшиқлар масаласида икки оғиз сўз. Яхши қўшиқлар ҳам бор, аммо аксарияти олди-қочди сўзлар ва тарақа-туруқдан иборат. Назаримизда, давлат телерадиосининг бадиий кенгашларидан ўтолмаган қўшиқлар худди шу радиолардан кўним топгандай. Тағин, бу қўшиқларни баралла тарғибот қилишлари ортиқча. Ё “Водий садоси”, ё “Сезам” радиосида бошловчи эстрада қўшиқларининг ўринларини белгилаётганида ( хит-парад саҳифаси) бешинчи ўринни эгаллаган қўшиқ матнини яйраб эълон қилди: “Мани мушукчам, мани балиқчам, гўзалликда тенги йўқ қушчам... Ажойиб қўшиқ !”(?)

Республиканинг хусусий радиоларида шунақа бемаза мисралар тарғибот қилинаётганда, беихтиёр ўйлаб қоласан, киши. Бу радиостанцияларнинг ходимлари айтилаётган ҳар бир сўз учун масъул эмасмикан? Бу юзакичиликка эрк бериб бўлмайди. Маънавий қашшоқлик, саёз фикрлилик сингари иллатларга сув қуймайдими улар? Хусусий радиоларнинг кўпайгани яхши. Аммо хусусийми, давлат радиосими, муҳими, бугунги тингловчи сифатли, мазмунли эшиттиришлардан баҳраманд бўлсин.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

Болалар спорти

*Болалар спортини ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига олиб чиқилганлиги унинг нечоғли аҳамиятга эга эканлигини англатади. Бу борада Республика Президентининг махсус Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққанлигини яна бир бор таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар моҳиятан жуда катта мақсадга қаратилган. Зеро, ҳар томонлама соғлом, комил фарзандларни тарбиялаш келажак авлод олдидаги бурчимиз. Бу ишларга шахсан Юртбошимизнинг раҳбарлик қилиши халқимизнинг ёрқин истиқболга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.*

# АВЛОД САЛОМАТЛИГИ — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Кейинги қисқа давр мобайнида республикамизда бу борада бир қатор амалий ишлар қилиндики, бу тўғрида ҳар қанча фахр этсак арзийди. Бунёд этилган бир қатор спорт иншоотлари ҳақиқатан жаҳон андозалари даражасида. Фақат шу ўринда андак мунозарали масалалар пайдо бўлади.

Масалан, бу спорт иншоотларини нега фақат пойтахтда ёки вилоят марказларидагина қуриш керак? Ахир республикамиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларида яшайди-ку?! Аҳолиси бир неча минг кишидан иборат қишлоқлар болаларининг эса мунтазам вилоят марказига келиб, малакали мутахассислар ёрдамида шуғулланишларига имкониятлари йўқ. Умуман, қаерда, қандай спорт иншоотини қуришда минтақаларнинг табиий иқлими, истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида болалар сони, организмининг ҳолати ҳисобга олиниши керак.

Кўпгина туманлар, чекка қишлоқларда болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун бирорта иншоот у ёқда турсин, оддийгина спорт майдончасининг ўзи йўқ. Номигагина тайинланган спорт йўриқчилари ойлик олишадию, аммо болаларнинг футбол ёки волейбол ўйнашлари учун баъзан копток топиб беришга ҳаракат ҳам қилмайди. Кўпгина мактабларда жисмоний тарбия дарси деярли бир хил "услуб"да олиб борилади. Яъни ўғил болаларга футбол, қизларга волейбол тўпи берилиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилади. 45 минут ўтса, бўлди. Аслида болаларнинг бирор тексислик топиб копток кетидан чопишлари ҳам, бу ҳали улар спорт билан шуғулланаяпти, дегани эмас. Чунки ҳавас қилгулик бирор спорт иншооти қуриб, ҳамма шароитни яратган тақдирингизда ҳам, малакали мутахассис қатъий режа асосида машғулот олиб бормаса, тегишли натижага эришиш мушкул.

Масаланинг яна бир муҳим томони бор. Бу — болалар спортини тиббий-илмий асосда ривожлантириш масаласи.

**Шу йилнинг февраль ойида Президентимиз раислигида бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлисида тегишли вазирлик, идоралар зиммасига бу борада бир қатор вазифалар юклатилди. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлигига болаларнинг саломатлигини ўрганиб чиқиб, уларни маълум бир спорт турига жалб этиш тўғрисида тавсиялар бериш топширилганди. Ўтган вақт давомида вазирликда саккиз нафар мутахассисдан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.**

— Ушбу тавсияларга кўра, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси"нинг бошлиғи Нурия Туреева, — ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва ёши билан боғлиқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда болалар спортини тўртта йўналиш бўйича ривожлантириш зарур. Болаларнинг ёшига кўра шуғулланиши мумкин бўлган спорт турлари ҳамда спортни такомиллаштириш тўрт босқичда олиб борилиши кўрсатилган. Яъни 5-7 ёшларда спортга дастлабки тайёргарлик, 8-10 ёшда спортга бошланғич ихтисослаштириш, 11-13 ёшда спортга мақсадли турда ихтисос олиш, 14-18 ёшда эса спорт билан шуғулланиш лозим. Бу таклифлар шунчаки ўйлаб топилгани йўқ. Ҳар қандай боланинг кураш ёки гимнастика билан шуғулланиши учун ёши, соғлиғи бежиз ҳисобга олинмаяпти.

Маълумотларга кўра, республикамиздаги жами 5-6 ёшли болаларнинг 97,7 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилиб, саломатлиги ҳолатига кўра уч гуруҳга ажратилган.

Биринчи гуруҳга соғлиғида бирор камчилик бўлмаган болалар киритилган. Бундай болалар ўқув дастури бўйича албатта жисмоний тарбия билан шуғулланишлари шарт. Айни пайтда спорт билан шуғулланиш тавсия этилади. Улар тиббий кўрикдан ўтган жами болаларнинг 23 фоизини ташкил этади.

Иккинчи гуруҳга соғлиғида қисман камчилиги бўлган болалар киритилган бўлиб, улар текширилганларнинг 62 фоизига тенг. Уларга ҳам ўқув дастури бўйича тўлиқ ҳажмда шуғулланишлари тавсия этилади. Аммо, жисмоний машқларни аста-секин, организмнинг ҳолатидан келиб чиқиб ўзлаштиришлари лозим.

Учинчи гуруҳдаги соғлиғида вақтинчалик ёки доимий ҳолатда меъёрий бузилиш бўлганлар 14,7 фоизни ташкил қилади. Бундай болаларга махсус дастур бўйича шуғулланиш тавсия қилинади.

Шу ўринда хулоса чиқаришингиз учун яна бир далил. 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган 92.577 нафар бола ногирон. Айни пайтда катта ёшдаги болалар саломатлиги бўйича таҳлилий текширувлар олиб борилмоқда.

Ҳа, бу текширув натижалари кўриб чиқилаётган муаммога енгил-елпи ёндашиб бўлмаслигини кўрсатади. Табиий иқлим ва унинг болалар саломатлигига таъсири, ўқувчиларнинг турмуш тарзи ва яшаш шароити, тавсия этилаётган маълум бир спорт турининг маҳаллий жойдаги аҳамияти борасида мутахассислар бир неча вилоятда махсус тадқиқот олиб боришган. Бу тадқиқот натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, Тошкент шаҳрида барча спорт тури билан шуғулланиш тавсия этилади. Чунки пойтахтимизда юқорида қайд этилган омиллар, айниқса машғулотлар учун шарт-шароит бошқа жойларга қараганда нисбатан яхши.

Шунингдек, Тошкент вилоятида умумий жисмоний тайёргарлик, гимнастика, тоғ чанғиси, сув спорти, альпинизм, камондан отиш каби спорт турлари билан шуғулланиш мақсадга мувофиқ. Хоразм вилоятида эса дзю-до, қиличбозлик, велоспорт, теннис, шахмат-шашка, гуруҳ бўлиб ўйналадиган барча спорт тури тавсия этилган. Сурхондарёда кўпроқ от спорти, кураш, теннис, тоғ туризми, оғир атлетика билан шуғулланиш мақбул, деб топилган. Бошқа минтақаларга нисбатан ҳам ана шундай ёндошув талаб этилади. Сабаби, бирор спорт турини танлашда унинг ҳар бир бола учун фойдали томони ва таъсирини ҳисобга олиш лозим. Энг муҳими боланинг шахсий хусусияти, қобилияти танланган спорт турига мос келиши керак. Фикримизча, ушбу омиллар болаларимизнинг соғлом, ҳар томонлама етук инсон бўлиб етишишига янада ижобий таъсир кўрсатади.

Тўғри, бунинг учун аввало, шарт-шароит бўлиши керак. Биргина пойтахтни олиб кўрадиган бўлсак, гугурт қутисидек саноқсиз "дом"лар атрофида болалар майдончасини камдан-кам учратасиз. Ваҳоланки, статистик маълумотларда республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини болалар ташкил этиши қайд қилинган. Бутун ёзги таътил давомида болалар нима билан машғул бўлади, билмаймиз (ишқилиб юрибдида). Шаҳардаги бир қатор спорт иншоотлари, турли тўгаракларда теннис, кураш ёки сузиш билан бемалол шуғулланиш мумкин. Аммо, улар пуллик. Чўнтагингиз кўтарса, марҳамат. Айтайлик, пойтахтдаги Митрофанов номли сув спортида бир соат сузиш билан шуғулланиш учун 12 ёшгача болалар 700 сўм, катталар 1000 сўм тўлаши керак бўлади.

— Бу, ҳақиқатан муаммо, — дейди республика Спорт қўмитасининг оммавий спорт ва спорт илми бошқармаси бошлиғи Ж.Акрамов. — Қўмита ходимлари футбол ўйнаш учун Тўқимачилик комбинатининг футбол майдонига борган эдик. Бир соат мини-футбол ўйнашга 6000 минг, катта футбол учун 20000 минг сўм тўлаш керак. Ваҳоланки, майдон бўм-бўш. Тўғри, спорт иншоотларининг аксарияти хўжалик ҳисобида. Уларни тушуниш мумкин. Лекин, масалани ижобий ҳал этишнинг мақбул йўлларини қидириб кўриш кераккка ўхшайди. Ахир излаган имкон топади, деб бежиз айтишмаган.

Фарзандлар — бизнинг бахтимиз, келажагимиз, умримиз давомчиси. Уларни нафақат маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, айни пайтда жисмоний жиҳатдан баркамол этиб ўстириш ҳар биримизнинг болалар олдидаги бурчимиз, халқ, миллат олдидаги қарзимиз. Бунинг учун бутун халқнинг якдиллиги, катта иштиёқ ила ҳаракати жуда ҳам зарур.

**Рустам БОЙТЎРА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Маданият марказининг ғамхўрлиги

Москва вилоятидаги «Зарница» дам олиш масканига ўзбекистонлик 80 нафар бола жўнаб кетди. Улар меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилаларнинг болалари, шунингдек, «Сен Россияни биласанми?» олимпиадаси қатнашчиларидир.

Ушбу тадбирлар ватандошларга ёрдам дастурига кўра ўтказилаяпти ва Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан молиялаштирилди.

**«Туркистон-пресс».**

Изҳор

# Раҳмат, меҳрибонларим!

*Мен узоқ йиллардан бери шаҳримиздаги бир қатор босмахоналарда, жами 54 йил матбаачи бўлиб ишлаганман. Ёшим 83 да. Бугунги кунда қарияларга катта эътибор берилиши, айниқса ўтган йили Президентимиз томонидан «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинганлиги нур устига аъло нур бўлди. Булар бари мустақиллигимиз мевалари.*

Шу йил шамоллаб қолдим. Керакли дори-дармон қидириб, уйимизга яқин бўлган дорихоналарга мурожаат қилдим. ООО «Avlod-farm», «Чиғатой фармацевтикаси», «Ҳожи Убайдулло» номли дорихоналар Акмал Икромов тумани соғлиқни сақлаш бўлимидагилар бепул дори-дармонлар учун олти ойдан бери пул тўламаётганликларини, шунинг учун имтиёзли беморларга ҳам бепул дори-дармон беролмасликларини айтишди. Нима қилишимни билмай, бошим қотди. Сўнг республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига ариза ёздим.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, телефоним жиринглаб қолди. «Ассалому алайкум, Анастасия Трофимовна, бу сизми?» — деган мулойим овоз эшитилди телефондан. — Биз, «Дори-дармон» ДАУга қарашли 1-дорихонаданмиз. Мен шу дорихонанинг 4-бўлим мудири Муҳаррам Нуралиеваман. Ҳузурингизга Шаҳлохон Набихўжаевани жўнатаяпмиз. Сизга керакли бўлган дори-дармоннинг ҳаммасини оласиз, хўпми?!».

Шу биргина ширин сўз, муомаланинг ўзигаёқ мени ўраб-чирмаб келаётган дард чекингандай бўлди. Ўзимни енгил ҳис қилиб турганимда, эшигимиз қўнғироғи жиринглаб қолди. Чиройли, юзидан табассум ёғилиб турган бир қиз сумкасидан менга тегишли рецепт бўйича ёзилган дориларни олиб берди.

— Ўтир, қизим, бир пиёла чой ичасанми? — десам, қўлидаги узун рўйхатни кўрсатди.

— Нима бу, — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Шаҳарда менинг сиздан бошқа яна 60 та беморим бор, — деди у қўл қўйдиришга мўлжаллаб турган рецептни менга узатарқан. — Улар уруш қатнашчилари, ногиронлар ва ёлғиз яшовчилар. Улардан тезроқ бориб, хабар олмасам бўлмайди.

Ҳа, шунча югур-югурларим беиз кетмаганига, бунинг устига «Дори-дармон» ДАУ акционерлик жамиятига қарашли 1-дорихонага эндиликда мижоз бўлганимдан бошим осмонга етди. Ҳа, юртимизда меҳрибон инсонлар кўп. Ҳаммаларига раҳмат, бахтли бўлишсин.

**Анастасия КАПАЦСКАЯ,**
**меҳнат фахрийси.**


«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 133-52-55;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм* — 133-10-17;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15; 132-12-08
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 608, 22990 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — У. ФАЙЗИЕВА.
Навбатчи — С. ҲАЙДАРОВ.
Мусаҳҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — . 00.*
1 2 3 4 5 6




*Касални даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул. Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси шифокорлари ўз иш фаолиятлари давомида ана шу тамойилга амал қилиб келадилар. Маълумки, вилоятнинг кўпгина туманлари қўшни Қирғизистон давлати билан чегарадош. Ана шу жойларда бир нечта саломатлик постлари ташкил этилган. Улар чегарадан ўтаётган кишиларнинг саломатликларини назорат қиладилар. Турли юкларни санитария текширувидан ўтказадилар. Бу эса жаҳон афкор оммасини ташвишга солаётган номаълум пневмания ва бошқа ҳар хил хасталикларнинг мамлакатимизга кириб келишининг олдини олади, халқимизнинг саломатлигини муҳофаза қилишда катта роль ўйнайди.*



**СУРАТЛАРДА: санитария-назорат пункти врачи Баҳодирхон Ботиров ҳамда ҳамшира Гулбаҳор Марасулова иш пайтида; ҳамшира Офтобхон Турғунова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**


«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона



KENWOOD
Беспроводные средства связи





СП «ТЕЛКО»,
тел. 137-06-86,
факс 137-06-88,
www.telko.uz,
E-mail: telko@telko.uz.



O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади !



SHAYHONTOHUR TEXTILE





AYGEN COLLECTION
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:





Аёллар, болалар ва эркаклар учун юқори сифатли спорт ва трикотаж кийимлари.
Тадбиркорларни Ўзбекистон ва МДҲ бўйича дистрибьютерликка таклиф этамиз.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мақсуд Шайхзода кўчаси, 1-уй.
Тел.: 116-86-57, Факс: 116-86-53.
Мулоқот учун шахс: Абдулвоҳит Ибрагимов.
E-mail: shayhontohur.textil@uzpak.uz www.shayhontohur.com



«ALSKOM»
ОАЖ ҚК суғурта компанияси
ФЕРМЕР-ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ҲАМДА БАРЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1-ярим йиллик якунларига бағишланган мажлиси қарорига асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун кенг кўламли суғурта хизматлари кўрсатиш тизимини яратиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилган.

Ушбу мақсадда «ALSKOM» Ўзбекистон-Россия қўшма суғурта компанияси чет эл тажрибасини кенг қўллаш асосида фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари мулки, чорваси, транспорт воситаларини, жамоани, қурилиш-монтаж қалтисликларини, электрон техникалари, юклари, алоқа воситаларини турли бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш қоидаларини ишлаб чиқди ва шу йўналишда ўз хизматларини таклиф этади.

Россиянинг «Согласие» суғурта компанияси билан тузилган қайта суғурталаш шартномаларига мувофиқ, «ALSKOM» суғурта компаниясининг ҳар бир суғурта шартномаси (полиси) автоматик тарзда 6 миллион АҚШ доллари миқдоригача суғурта ҳимояси билан таъминланади.

Жойлардаги агентларимиз суғурта шартномаларининг тўлақонли бажарилишини таъминлашга имкон беради.

Манзилимиз: Тошкент, шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уй.
Телефонлар: 132-09-64, 139-23-67, факс: 132-07-15.
http:www.alscom.uz; e-mail: official@alscom.uz


Куни кеча Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Фазогир Гагарин» болалар ёзги оромгоҳида Ўзбекистон Республикасининг 12 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги бадиий кўргазма ва

## «Ўзбекистон — Ватаним маним»

расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу тадбир доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, рассом Муҳаммад Нуриддинов билан ижодий учрашув ташкил этилди. Учрашувда таниқли рассом санъатсевар болаларга мусаввирлик санъати тарихи, соҳада ном қолдирган буюк инсонлар ҳақида сўзлаб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Шунингдек, 13-14 ёшли болалар ўртасида «Тасвирий санъат фестивали» ҳам ўтказилди. Беллашувнинг биринчи босқичида болалар «Ўзбекистон — менинг Ватаним» мавзуида расм чиздилар. Ҳакамлар ҳайъати танлов ғолибларини аниқлаб, уларга дипломлар ва эсдалик совғалари топширишди.

**М. ЙЎЛДОШЕВА.**

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази жамоаси Марказнинг собиқ раҳбари, академик
**Эркин ЮСУПОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банки «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ходимлар билан ишлаш департаменти директори
**Абдувоҳид МАМАДАЛИЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муҳиддин Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиевага онаси
**Муборакхон ЙЎЛЧИЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси «Тракторлар ва автомобиллар» кафедраси профессори Ш. Саидовга волидаи муҳтарамаси
**ОЙША аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Қалам» қўшма корхонаси жамоаси корхона ходими Ҳамид Болтаевга волидаи муҳтарамаси
**Бувиниссо АСАТУЛЛАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.